



«Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази»

Шу ойнинг ўзида 30 киши ишга жойлашди. Шунингдек, 20 киши қайта касб ўрганишни бошлади.

Ободлик

Нукусда 2013 йил якунлари ва Қорақалпоғистон Республикасини 2014 йилда иқтисодий барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

Ислоҳот ва самаралар

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси М.Ернйязов бошқарган йиғилишда Президентимиз Ислам Каримовнинг жорий йил 17 январда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгиланган вазифалар ижросига алоҳида эътибор қаратилди.

2013 йилда Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётининг етакчи тармақларини ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш борасида салмоқли натижаларга эришилди. Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 11,5 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 11,5, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 13, қурилиш ишлари ҳажми 20,7, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 7,1, савдо ва умумий оқватланиш 27,6, жами хизматлар қўлами 15,5 фоиз ўсди.

Саноатни жадал ривожлантириш, Устюрт кимё-газ мажмуаси қурилиши, Кўнғирот сода заводининг ишлаб чиқариш қувватини ошириш бўйича ишлар изчил давом этаётган. Тахитатош иссиқлик электр станциясида умумий қиймати 185,3 миллиард сўмлик инвестиция ҳисобидан модернизация ишлари амалга оширилмоқда. «Нукус текстиль» корхонасида ип-йиғирув, бўяш, трикотаж ва тайёр маҳсулотлар цехлари ишга туширилди. «Беруний Астера текстиль» ва «Азия силк» корхоналарида янги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Умуман, бу йўналишда 255 лойиҳа амалга оширилди.

Саноат ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш бўйича ҳудудий дастур доирасида 50,8 миллион АҚШ доллари миқдордаги инвестиция ҳисобидан 295 кичик корхона ташкил этилди. Экспорт қилувчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ташқи бозорга маҳсулот чиқариш имкониятларини кенгайтириш натижасида экспорт ҳажми 2012 йилга нисбатан икки баробар ошди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида 271,4 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Ана шундай имконият ва қўллаб-қувватлаш самарасида ўтган йили тадбиркорларнинг ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши 64 фоизни ташкил этди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, айниқса, касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ишга жойлаштириш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Худудий дастурга мувофиқ 49 минг 991 янги иш ўрни яратилди. Уларнинг қарийб ярмини коллеж битирувчилари ташкил этди.

Йиғилишда эришилган ютуқлар билан бирга йўл қўйилган камчиликлар ҳам атрофлича таҳлил этилди, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли вазифалар белгиланди.

Қорақалпоғистон Республикаси фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

А.ОРТИҚБОВ,
ЎЗА мухбири.

Партия фаоллари ва депутатлар

электорат орасига янада чуқурроқ кириб бормоқда



Санжар ШОТЛУПАНОВ олган суратлар.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва Тошкент шаҳар кенгаши томонидан «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳаси доирасида Чилонзор туманидаги Дўмбиробод маҳалласида давра суҳбати ўтказилди.

Унда давлатимиз раҳбарининг Конституция қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишидаги, шунингдек, 2013 йил якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги маърузаларида билдирилган фикрларнинг аҳамиятини аҳоли орасида кенг тушунтириш мақсадларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу партия электорати вакиллари сийёсий-иқтисодий, ҳуқуқий билими ва дунёқарашини юксалтиришда муҳим

ўрин тутиши таъкидланди. Давра суҳбатида ЎзХДП Марказий Кенгаши, Тошкент шаҳар кенгаши ходимлари, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳамда Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг шаҳар бошқармалари масъуллари, партия фаоллари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, электорат вакиллари қатнашди.

► Давоми 2-бетда.

Сўз — ЎзХДП етакчиларига

Кучли ижтимоий ҳимоя

аҳоли турмуш даражасини юксалтиришнинг муҳим шартидир

Мамлакатимизда инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, турмуш даражасини юксалтиришда изчиллик билан амалга ошириб келинаётган кучли ижтимоий сийёсат муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳар йили кўплай янги иш ўринлари ташкил этилаётгани, иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдори муттасил ошириб борилаётгани аҳоли даромадини кўнайтириш, халқимизга муносиб турмуш шароити яратишда муҳим омил бўлмоқда.

ЎзХДП: электорат манфаати

«Ёлғизликни сезмасдан яшайман»

Ўзаро меҳр-оқибатли бўлиш, мурувват, саховат кўрсатиш, муҳтожларга ёрдам бериш халқимизнинг миллий қадриятларидан ҳисобланади. «Савоб ишни ҳар ким, ҳар қуни қилиши керак», «Бирни берсанг, мингни беради», «Қўли очқинг йўли очик» каби ҳикматли гаплар, хайрли амаллар ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб қолган.

► Давоми 2-бетда.

Халқаро экология ташкилотлари, шунингдек, техноген хавфлар бўйича мутахассис ва экспертларнинг узоқ сайё-ҳаракатлари натижасида 2014 йилнинг январидан АҚШ Конгресси ва Сенати муҳим қонунчилик нормаларини жорий этишни кўзда тутадиган қонунни қабул қилди ва Президент Барак Обама уни имзолади.

АҚШда йирик тўғон ва гидроэнергетика объектлари қурилишини қўллаб-қувватлашни тақиқловчи қонун қабул қилинди

Мазкур қонунга мувофиқ, Халқаро молия институтлари директорлар кенгашларидаги АҚШ вакиллари энди йирик тўғонлар ва гидроэнергетика объектлари қурилиши лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун қарз олиш ёки ушбу лойиҳалар билан боғлиқ ҳар қандай ҳужжатни маъқуллашга қарши чиқишга мажбур.

Бугунги кунда АҚШ асосий халқаро молия институтлари, жумладан, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Халқаро ривожланиш ассоциацияси, Осиё тараққиёт банки, Осиё ривожланиш жамғармаси ва бошқа молия ин-

ститутларининг йирик акциядори ва донори ҳисобланади. Америка Қўшма Штатлари ўзи акциядор бўлган барча халқаро молия институтларида тўғонлар ва йирик гидроэнергетика объектлари қурилишига қаратилган ҳар қандай лойиҳани молиялаштириш ва маъқуллаш тўғрисидаги тақлифларни қўллаб-қувватлашни қонуний тақиқлади.

АҚШ қонунчилиги ва ижро ҳокимиятларининг ушбу қарори ҳар томонлама асослидир. Чунки сўнгги йилларда эколог-мутахассислар, техноген хавфлар бўйича экспертлар, муҳандис ва ҳуқуқшунослар то-

монидан ўтказилган тадқиқотлар, мазкур муаммоларнинг халқаро даражада бир неча бор муҳокама этилиши билан тўғонлар қуриш оқибатида юзага келадиган салбий ҳолатлар, хавф ва таҳдидлар билан боғлиқ масалалар, айниқса, тоғли шароитларда янада мураккаб тус олиб, кўплай соҳаларда олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши ва тузатиб бўлмас даражада зарар етказиши мумкин.

► Давоми 3-бетда.

Нуқтаи назар

— Худудларда электорат манфаатларини ҳимоя қилишда сийёсий партиянинг асосий кучи халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларидир. Кейинги йилларда маҳаллий вакиллик ҳокимиятидаги партия гуруҳларининг ҳуқуқ ва ваколатлари изчил кенгайиб бораёпти. Бугун ишимиз қай даражада самарали бўлиши қонун билан белгиланган ушбу ваколат ва имкониятлардан қандай фойдаланишимизга боғлиқ. Шу ўринда бир масала бўйича мулоҳазаларимни билдирмоқчиман. Таҳлиллар шунини кўрсатмоқдаки, партия гуруҳларимиз бирор масалани ўз йиғилишларида муҳокама этса, халқ депутатлари туман Кенгаши сессияси кун тартибига олиб чиқади. Аксарият ҳолларда жараён шу ерда тугайди. Сессияда қабул қилинган қарор қандай ижро этилаяпти, тегишли идоралар зиммасига юклатилган вазифалар бажарилаяптими, қарор ижроси тегишли соҳа ривожини, одамлар ҳаётига таъсир кўрсатаёптими, бу саволларга ҳар доим ҳам жавоб изланмайди. Яқинда «Сийёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Унда

Улуғбек ТОШПҮЛАТОВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши сектор мудири:

партия гуруҳларининг тегишли худудда жойлашган давлат органлари раҳбарларининг ўз фаолияти масалалари юзасидан ҳисоботи ёки ахборотини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Кенгашларининг сессияларида эшитиш ҳақида тақлифлар киритиш ҳуқуқи мустақамланди.

Шу ҳуқуқ ҳамда ваколатни амалда қўллаб, партия гуруҳларимиз сессия қарорларининг ижроси ёки аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатлами манфаати билан боғлиқ турли масалаларда мансабдор шахсларнинг ҳисоботини сессияда эшитиш амалиётини кенг йўлга қўйиши зарур, деб ҳисоблайман. Бу нафақат партияимизнинг дастурий мақсадларини ҳаётга изчил татбиқ этиш, балки маҳаллий вакиллик ҳокимиятининг таъсирини кучайтириш, маҳаллий ижро ҳокимияти раҳбарларининг масъулиятини оширишга ҳам хизмат қилади.



«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

Юртимизни жадал ривожлантиришда

партия ташкилотлари ва партия гуруҳлари фаоллик кўрсатиши зарур



КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

Кўчма жамоатчилик қабулхоналари электорат ва партияни ўзаро боғловчи кўприк вазифасини бажармоқда.

Бу борада ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши тажрибасининг кейинги сонларидан бирида ўқийсиз.

Сўз — ЎзХДП етакчиларига

Кучли ижтимоий ҲИМОЯ

аҳоли турмуш даражасини юксалтиришнинг муҳим шартидир

Қўш, аҳолининг ижтимоий қўллаб-қувватлашга эҳтиёжман қатлами манфаатини ҳимоя қилиши ўз зиммасига олган ЎзХДП ташкилотлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари бу борада қандай ташаббусларни илгари сурмоқда? Ижтимоий Ҳимояга эҳтиёжман кишилар, ногирон ва пенсионерлар манфаатини таъминлаш, уларнинг турмуш фаровонлигини оширишда бугун партия ташкилотларидан нималар талаб этилаётми?

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Андижон вилоят Бўз туман кенгаши раиси Матлуба Тўйчиева билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

— Маълумки, ЎзХДП Сайловдаги дастурида аҳолининг ижтимоий муҳофазасига эҳтиёжи бор қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ қатор вазифалар белгиланган. Туман партия кенгашининг бу борадаги ишлари ҳақида тўхталсангиз.

— Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш жараёнида кучли ижтимоий сиёсат юритиш мамлакатимизни тараққий эттиришнинг беш тамойилидан биридир. Шу сабабли ҳам мамлакатимизда иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ислохотлар билан бирга, ижтимоий соҳани ривожлантириш, хусусан, аҳолининг манзилли ижтимоий Ҳимоясини кучайтиришга жиддий эътибор қаратилаётми. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аҳолининг ижтимоий Ҳимоясини билан боғлиқ қатор долзарб вазифаларни илгари сурар экан, албатта, уларнинг ҳаётимизда ўз ифодасини топишида куйи партия ташкилотларининг ҳам муҳим ўрни бор. Бизнинг туман партия ташкилотимиз ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашидаги партияимиз гуруҳи ҳам мазкур вазифаларни амалга оширишда самарали иштирок этишга ҳаракат қилмоқда.

Давоми. Боши 1-бетда.



Хирондбек АРАББЕКОВ оlingан сурат.

Аҳолининг бандлик даражасини ошириш, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун янги иш жойлари ташкил этиш масалалари фаолиятимизнинг устувор йўналиши бўлиб қолаверади.

ри яратиш ҳисобига аҳоли бандлигини таъминлаш ҳақидаги масала киритилди. Сессия қарорига асосан мутасадди раҳбарларга янги иш ўринлари яратишда йўл очиб берилди. Қарор ижроси назоратга олиниб, амалий натижаларга эришилмоқда.

— Сиёсий партиянинг маҳаллий ташкилотлари самарали ишласа, унинг жамиятдаги таъсир кучи ошади. Бу йил туман партия кенгаши олдида турган вазифалар ҳусусида тўхталсангиз.

— Жорий йилда партияимиз Харақат дастурига асосан қатор йўналишларда фаолиятимизни кучайтиришни режалаштирганмиз. Соғлом бола йили мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, соғлом авлодни шакллантириш билан боғлиқ қўллаб-қувватлаш йўналиши маҳаллий Кенгаш сессияси муҳофазасига киритилиши белгиланган. Аҳолининг бандлик даражасини ошириш, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун янги иш жойлари ташкил этиш масалалари фаолиятимизнинг устувор йўналиши бўлиб қолаверади. Шу мақсадда мева-сабзавот, сут ва гўшти қайта ишлаш тармоқларини кенгайтириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари, касаланикни ривожлантириш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланган. Масалан, туманинг инвестиция дастурига ўз тақлидларимизни киритиб, юқори ҳақ тўланадиган қўшимча иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратамиз.

Бунинг учун депутатлик назоратини кучайтириш бўйича тизимли иш олиб боришимиз, меҳнат ва аҳолининг ижтимоий муҳофазасига бўлиб қаратиш, фуқаролик жамияти институтлари билан ижтимоий шериклик асосидаги ҳамкорликни изчил ривожлантиришимиз талаб этилади.

«Ўзбекистон овози» муҳбири Гулрух ОДАШБЕКОВА суҳбатлашди.

Туманда 64 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 33 мингдан ортиғи хотин-қизлардир. Аҳолининг ижтимоий Ҳимоясини таъминлаш энг долзарб вазифаларимиздан саналади. Бундан биринчи навбатда қонун билан мустаҳкамланган ҳуқуқ ҳамда ваколатларга эга бўлган халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳимизнинг ҳаракати қўллаб-қувватланади. Ҳамма нарса кўзга кўриниб қолган ҳақиқатдир.

Ижтимоий ёрдамга эҳтиёжман кишиларни аниқлашда Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятига суянмиш. Электорат вакиллари йўланиётган масалалар бўйича муносабатларни ўрганиш, уларга ечим топиш баробарида

ижтимоий муҳофазасини таъминлашга ҳаракат қиламиш. Хусусан, ўтган йили Жамоатчилик қабулхонаси ижтимоий Ҳимоя масаласини таъминлаш энг долзарб вазифаларимиздан саналади. Бундан биринчи навбатда қонун билан мустаҳкамланган ҳуқуқ ҳамда ваколатларга эга бўлган халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳимизнинг ҳаракати қўллаб-қувватланади.

Ҳимоянинг йўналиши ҳақида тўхталсангиз.

— Ижтимоий Ҳимоя бандлик билан чамбарчас боғлиқ. Туманда янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли, айниқса, хотин-қизлар, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашда партия кенгаши, халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатларнинг олиб бораётган ишлари ҳақида маълумот берсангиз.

— Меҳнатга қобилиятли аҳоли иш билан тўлиқ таъминланиши уларни давлат томонидан қўшимча ижтимоий Ҳимоялашга ҳоҳат қолдирмайди. Шу сабаб-

ли ҳам қўлидан бирор-бир иш келадиган ҳар бир одамнинг бандлигини таъминлаш энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиш. Туман партия кенгаши ҳамда депутатлик гуруҳи худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳусусиятлари ва имкониятларини чуқур ўрганиб, шу асосда иш ўринлари ташкил этиш бўйича тақлидларни илгари сурмоқда.

Ўтган йили туманда 3420 та янги иш ўрни яратилди. Бу партияимиз электорати вакиллари манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлди. Тумандаги касб-ҳунар коллежларини тамомлаган 1593 нафар йигит-қизнинг аксари янги ишга жойлашди.

Хотин-қизлар ҳамда коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш мақсадида туман Бандликка қўмаклашиш ва аҳолининг ижтимоий муҳофазасига қўшимча қўллаб-қувватлаш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланган.

Туман Кенгашидаги ЎзХДП партия гуруҳи ташаббуси билан халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига янги иш ўринла-

лаш самарали мулоқот ўрнатилиши учун уларнинг потенциал маҳоратини доимий ривожлантириб бориш диққат-марказимизда бўлиши лозим. Бундан ташқари, гуруҳ аъзоларини зарур ахборотлар, ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳудудий ҳолати ва истиқболларига оид таҳлилий материаллар билан таъминлаб бориш керак бўлади.

Яна бир масала, тарғиботчилар фаолиятида замонавий сиёсий технологияларни қўллашдир. Агар бунга эришсак, аудиторинг билан олиб борадиган мулоқотлар янада жонли бўлади, тарғиботчилар фаолиятдан қўзғалган мақсад амалга ошади.

ГОЯЛАР ТАРҒИБОТИ КУЧАЙИШИ КЕРАК

Сиёсий партия ўз дастурий мақсадлари, гоюларни кенг тарғиб этиш, электорат билан самарали мулоқот ўрнатилиши орқали аҳоли орасига чуқурроқ кириб боришда Тарғиботчилар гуруҳлари фаолияти муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, тарғиботчилар фаолиятининг бош мақсади — партия гоя ва мақсадларини биринчи навбатда партия электоратига ва кенг жамоатчиликка чуқур тушунтириб бериш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган масалаларни ўрганишдан иборат. Шунингдек, қабул қилина-

ётган қонун ва қарорлар, давлат дастурларининг аҳамияти, моҳиятини электоратга етказиш ҳам тарғиботчиларнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Кўришиб турибдими, улар зиммасидаги масъулият жуда катта. Шу боис ташаббусли партия фаоллари, халқ орасида обрў-эътиборга эга кишиларни тарғиботчилар гуруҳига жалб этиш, учрашувларда мавзулар долзарблигига эътиборни кучайтириш керак, деб ўйлайман. Шунингдек, тарғиботчиларга баҳс-мунозаралар жараёнида ўз фикрини эркин баён қила олиш ҳамда партия электорати вакиллари билан самарали мулоқот ўрнатилиши учун уларнинг потенциал маҳоратини доимий ривожлантириб бориш диққат-марказимизда бўлиши лозим. Бундан ташқари, гуруҳ аъзоларини зарур ахборотлар, ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳудудий ҳолати ва истиқболларига оид таҳлилий материаллар билан таъминлаб бориш керак бўлади.

Яна бир масала, тарғиботчилар фаолиятида замонавий сиёсий технологияларни қўллашдир. Агар бунга эришсак, аудиторинг билан олиб борадиган мулоқотлар янада жонли бўлади, тарғиботчилар фаолиятдан қўзғалган мақсад амалга ошади.

Албатта, қўмакка муҳтожларни моддий қўллаб-қувватлаш катта марҳамат. Аммо руҳий қўмак, маънавий ёрдам унданда юксакроқ мақомга эга. Ёлғиз, руҳи синикқан инсон билан икки оғиз ширин суҳбат қуриш, шу орқали унинг дардини олиш, ёлғизликдан ҳориган кўнглини кўтариш катта савоб ҳамдир.

Аёл шунчалик тўлиб-тошиб гапирардики, назаримда, кексайган юзини эски ажинлар бир зум тарк этгандек бўлди. Шу ҳолатда унинг 91 ёшга кирганига биров ишонмаган бўларди.

Аёл шунчалик тўлиб-тошиб гапирардики, назаримда, кексайган юзини эски ажинлар бир зум тарк этгандек бўлди. Шу ҳолатда унинг 91 ёшга кирганига биров ишонмаган бўларди.

Аёл шунчалик тўлиб-тошиб гапирардики, назаримда, кексайган юзини эски ажинлар бир зум тарк этгандек бўлди. Шу ҳолатда унинг 91 ёшга кирганига биров ишонмаган бўларди.

ЎзХДП: электорат манфаати

Аёл шунчалик тўлиб-тошиб гапирардики, назаримда, кексайган юзини эски ажинлар бир зум тарк этгандек бўлди. Шу ҳолатда унинг 91 ёшга кирганига биров ишонмаган бўларди.

«Ёлғизликни сезмасдан яшайман»

Фармонда ёлғиз кексаларга, пенсионер ва ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, уларга кўрсатилаётган ижтимоий хизмат турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш юзасидан аниқ вазифалар белгиланган.

Биз ёлғиз кексаларга уйда ижтимоий хизматлар кўрсатиш борасида олиб борилаётган ишлар билан танишиш мақсадида Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туман Бандликка қўмаклашиш ва аҳолининг ижтимоий муҳофазасига қўшимча қўллаб-қувватлаш мақсадида бўлди.

Ҳолатида 113 нафар ёлғиз фуқаро руйхатга оlingан бўлиб, 70 нафари ижтимоий хизмат кўрсатишга муҳтож деб тоlingан. 8 нафар ижтимоий хизмат ҳодими уларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш учун бириктирилган. Улар ёлғиз кексаларнинг уй юмушларини бажаради, иссиқ овқатларини тайёрлайди. Бундан ташқари, китоб, газета-журналлар олиб боришади. Албатта, қўмакка муҳтожларни моддий қўллаб-қувватлаш катта марҳамат. Аммо руҳий қўмак, маънавий ёрдам унданда юксакроқ мақомга эга. Ёлғиз, руҳи синикқан инсон билан икки оғиз ширин суҳбат қуриш, шу орқали унинг дардини олиш, ёлғизликдан ҳориган кўнглини кўтариш катта савоб ҳамдир.

Ҳақиқатан ҳам маънавий-руҳий қўллаб-қувватлаш ҳар бир инсон учун зарур. Ижтимоий Ҳимояга оlingан Мария Алексеевна Пахитни билан суҳбатлашганимизда бунга қайта-қайта амин бўлдим.

— Тошкент ахборот технологиялари университети-

нинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини оширишга ёрдам бермоқда, — дейди ЎзХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши раиси Сардор Дўстмухаммедов. — Бозор муносабатлари шароитида муносиб турмуш кеңириш бўйича ҳамма ҳам тенг имкониятга эга эмас. Мисол учун, ёлғиз кексалар. Улар тақдир тақозоси билан бугун ёлғизликда ҳаёт кечириб бормоқда. Бундай кишилар партияимизнинг электорати ҳисобланади. Фахрийларга, айниқса, боқувчисини йўқотган кексаларга алоҳида эътибор ва гамхўрлик кўрсатилиши кучли ижтимоий сиёсатнинг натижасидир. Зеро, Бош Қомусимизнинг 39-моддасида белгиланган бўлиб, «Хар ким қаринданда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолатларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга». Бу қондининг ҳаётимизда нақадар чуқур ифода топаётгани мамлакатимизда инсонпарвар жамият барпо этилаётганининг яна бир ёрқин исботидир.

Наргиза ҲУСАНОВА

«Маҳалла — аҳолининг манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази»

Партия фаоллари ва депутатлар

электорат орасига янада чуқурроқ кириб бормоқда

— Партияимиз ижтимоий ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда тизимли равишда амалий тадбирлар ўтказиб келмоқда, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходими Акмал Турсунбоев. — Хусусан, мазкур лойиҳа доирасида турли соҳа мутахассисларини жалб қилган ҳолда одамларни ўйлантираётган саволларга жавоб қайтариш, ижтимоий масалаларни аниқлаш, уларнинг ўз жойида ҳал этишга қўмаклашиш, электорат учун фойдали бўлган масалаларни халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессиялари, доимий комиссиялар муҳофазасига олиб чиқиш ва ҳал этиш вазифаларига эътибор қаратиламоқда. Энг муҳими, бу лойиҳа партия ташкилотларимиз ҳамда депутатларимиз аҳоли орасига чуқурроқ кириб боришига, улар билан бевосита мулоқотлар эса турли ижтимоий масалаларни кўтариб чиқишимизга асос бўлаётми.

— Пенсия ва нафақалар аҳолига ўз вақтида етиб боришини назорат қилиш, бу масаладаги ўзгариш ва янгиликлар ҳамда имтиёزلардан аҳолини хабардор этишда мазкур лойиҳанинг ўрни катта бўлмоқда, — деди Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси ўринбосари Маргарита Аҳмедбекова. — Шунингдек, аҳолининг ижтимоий муҳофазасига билан боғлиқ баъзи масалалар ҳам аниқланапти. Бундай ҳолатларда муаммонини ҳал қилишда тегишли ташкилотлар билан ижтимоий ҳамкорликни кучайтириш зарурати юзага келади.

— Мамлакатимизда маҳалла институтининг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратиб келинмоқда, — деди «Дўмбироқ» маҳалласи оқсоқоли, «Шухрат» меда-

Давоми. Боши 1-бетда.

www.xdp.uz

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолияти ҳақида мазкур сайтдан батафсил ахборот олиш мумкин.

Давоми. Боши 1-бетда.

Жаҳон мамлакатлари сиёсий партиялари ва парламентлари

Чехия:

Кўппартияли тизим янада мустақамланди

парламентга кириш осон кечмади

Кўппартияли тизим, унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида халқаро экспертлар, олимлар, қолаверса, жамоатчилик ўртасида бир-бирига ўхшамайдиган фикрлар юради.

Бироқ кўпчилик давлат бошқарувини ҳар томонлама оқилона ва самарали олиб бориш, фуқароларнинг хоҳиш иродасини рўёбга чиқариш учун кўппартияли тизим зарур, деб ҳисоблайди.

2013 йил Чехия парламенти бўлиб ўтган мuddатидан олдинги сайлов, содда қилиб айтганда, кўпдан-кўп фикр чиқиши, ҳеч қандай вазиятни фақат ўз фойдасига оғдириб ололмастлигини исботлади, десак, хато бўлмайди.

Чехия парламенти кўйи палатаси, яъни Депутатлар палатасига ўтказилган мазкур сайловда жами 23 та сиёсий партия иштирок этди. Табиийки, уларнинг гоёлари, сайловолди дастурлари турлича бўлди. Ўқувчида етарли тасаввур ҳосил бўлиши учун сайловда Чехия фуқаролари энг кўп овоз берган сиёсий партияларнинг гоёларига қисқача тўхталиб ўтиш жоиз.

Чехия социал — демократик партияси ўз таклифларини ўндан ортиқ йўналишда тақдим этди. Партия, аввало, янги иш ўринлари яратиш масаласини кўйди. Транспорт тизими, турар-жойлар яхшиланиши, ижтимоий ва тиббий хизматлар ривожланиши, хусусан, қишлоқ хўжалиги ислоҳ қилиниши муҳим.

Жуда юқори даромадларга яраша фойда солиғи кўпайиши, солиқ тўлашдан қочиш қаттиқ жазоланиши, касса аппаратлари ўрнатилиши бўйича назорат кучайтирилиши лозим. Давлат коммунал тўловлар тарифларининг ошиб кетмаслигини таъминлаш орқали фуқароларни ҳимоя қилиши, энг кам иш ҳақи миқдори 12000 крон (амалда 8500 крон) бўлиши, ёш оилалар ҳар томон-

лама қўллаб-қувватланиши, оилавий ҳаёт ҳимоя қилиниши керак. ANO 2011 партияси (2011 йил ташкил этилган, ANO сўзи ўзбек тилида ҲА, деган маънони билдиради) асосан, коррупцияга қарши курашиш тарафдори бўлиб чиқди. Қизиқ томони, бу партия одатдаги сиёсий партиялар каби муайян йўналишдаги дастурига эга эмас. Мутахассислар қайд этишича, мазкур партия Чехия фуқароларининг ижтимоий кайфияти, хоҳишини ўрганган ҳолда, сайловолди дастурини шакллантирган.

Партия пенсия ёшига яқинлашган фуқаролар, ногиронларнинг тўлақонли меҳнат қилишига шароит яратиш, давлат хизматларида муносиб кадрлар ишлашини таъминлаш, электр энергия нархини арзонлаштириш масалаларига эътибор қаратади. Сайлов олдиндан давлат харидлари тизимини такомиллаштириш, хусусан, тендерлар ўтказиш тартиб-таомилларини яхшилаш, бу борада ошқоралиқни етарли даражада таъминлаш тарафдори бўлди. Электрон



онги, дунёқарши ҳоқори сайловчилар қўллаб-қувватлаётган гоёларни илгари сурди.

Сайлов натижалари Чехияда, асосан, социал-демократик партияси ва ANO партияси таклифлари амалга ошишига кўпроқ зарурат борлигини кўрсатди. Чехия социал-демократик партияси 22,03 фоиз, сайловда биринчи марта иштирок этишига қарамай, ANO 2011 партияси 18,62 фоиз сайловчи овозига эга бўлди. Бу партиялар Депутатлар палатасидаги 200 депутатлик ўрнидан тегишлича 50 ва 47 та, яъни жами 97 ўринни банд этди. Парламентда кўпчилиқни ташкил қилиш учун бу етарли эмасди.

Шунинг учун улар яна битта партия билан мурося йўлини танлашга тўғри келди. Бу — сайловда 6,78 фоиз овоз йиққан Христиан демократлар партияси бўлди. Кўйи палатада 14 та ўринни эгаллаган мазкур партия Чехия социал-демократик партияси ва ANO 2011 партияси билан муросяга келган, улар ўртасида янги ҳукуматни шакллантириш бўйича коалиция шартномаси тузилди.

Чехия Депутатлар палатасига 2010 йилги сайловдан сўнг 50 депутатлик

ўрни эгаллаган, бошқа партиялар билан коалиция тузиб, ҳукуматни шакллантиришда етакчилик қилган ҳамда неоллиберализм гоёларини ёқлайдиган Фуқаролик демократик партияси бу галги сайловда 7,72 фоиз овоз олди. Унга иттифоқдош бўлган партияларга ҳам омад унчалик қулиб боқмади.

Сиёсий партиялар давлатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича турли гоё ва таклифларни илгари сурди, сайловчилар улардан истаганига овоз беради, шу асосда парламент, ҳукумат шаклланади, давлатнинг узоқ мuddатга мўлжалланган стратегик дастурлари белгилаб олинади. 2010 йилда Чехия парламентида кўпчилиқни ташкил қилган ва ҳукуматни шакллантиришда иштирок этган партиялар айна пайтда бу имкониятга эга эмас. Чехия халқи сайловда фаол қатнашиш, сиёсий иродасини намойиш этиш орқали бу сафар бошқа партияларга кўпроқ ишонч билдирди.

Дунё таърибасидан яна бир бор кўриниш турибдики, қайси партия одамларни ташвишга солаётган, қизқираётган масалаларни ҳал этиш учун курашса ўша партия кўпроқ қўллаб-қувватланади.

Сайфулла ЭШБОБОВ

Неолиберализм гоёларини ёқлайдиган Фуқаролик демократик партияси бу галги сайловда 7,72 фоиз овоз олди. Унга иттифоқдош бўлган партияларга ҳам омад унчалик қулиб боқмади.

ҳукуматни яратиш ишлари изчил давом эттирилиши, фуқаролар мансабдор шахсларга мурожаат қиладиган турли масалалар электрон автоматлашган тарзда ҳал бўладиган тизимга ўтилиши керак. Чунки юзма-юз учрашув пайтида мансабдор шахслар ва фуқаролар ўртасида мурожаат ечимига алоқаси бўлмаган англашилмовчиликлар келиб чиқиши мумкин.

Умуман, ANO 2011 ривожланган демократияга эга давлатлардаги сиёсий партиялар маъқул кўраётган, сиёсий

АҚШда йирик тўғон ва гидроэнергетика объектлари қурилишини қўллаб-қувватлашни тақиқловчи қонун қабул қилинди



Шу боис экология ташкилотлари ташаббуси билан қабул қилинган ва АҚШнинг барча ҳокимият тармоқлари томонидан қўллаб-қувватланган мазкур нормалар кенг қўламли экологик, техноген ва ижтимоий-иқтисодий фалокатларга сабаб бўладиган йирик гидроэнергетика объектларини қуриш лойиҳаларини амалга оширишга йўл қўйиб бўлмаслигига аниқ ва тўғри ишоради.

Марказий Осиё минтақасида йирик тўғон ва гидроэнергетика объектларини барпо этишга йўл қўймайлик гоёт долзарб масаладир. Чунки сўнгги йилларда минтақанинг асосий трансчегаравий дарёлари —

Амударё, Сирдарё ва уларнинг ирмоқларида ҳали собиқ тузум даврида қурилиши режалаштирилган йирик гидроэнергетика станциялар, жумладан, Роғун ГЭСи ва 1-Қамбарота ГЭСини қуриш лойиҳаларини қайта тиклашга қатъий уринишлар бўлмоқда.

Бундай лойиҳаларнинг асосий хавфи томони шундаки, электр энергияси тақчиллиги ва янги қувватларни ташкил этиш муаммосини ушбу лойиҳалар амалга оширилиши оқибатида бутун минтақа учун узоқ мuddатли ҳалокатли оқибатлар юзага келиши мумкинлигини эътиборга олмай ҳал қилишга уринишлар бўлмоқда.

Минтақа экологиясининг ўнглаб бўлмас даражада ўзга-

риб кетиши ва табиатдан фойдаланиш бўйича юзага келган тизимлар ана шундай асосий хавфлар сирасига киради. Бу Марказий Осиёда жиддий экологик ҳалокатнинг янада кучайишига олиб келиши мумкин.

Йирик тўғонлар қурилиши минтақанинг шундоқ ҳам нозик экологик мувозанатини издан чиқариб, асосий сув оқимларини мавсумий тақсимлаш ва кўп йиллик бошқариш тизимини тўлиқ ўзгартириб юборади, минтақадаги сув ресурслари тақчиллигини ҳалокат ёқасига келтириб қўяди.

Тўғонлар қурилиши Амударё ва Сирдарёнинг кўйи оқимида жойлашган мамлакатларда ёз мавсумида сув ниҳоятда каммайиб, узоқ вақт кучли қурғоқчилик юзага келиши, қишда эса фалокатли тошқинлар рўй бериши, экин майдонларининг шўрланиши ва ҳосилдорлик кескин камайиб, миллионлаб одамларнинг оч-наҳор ва ишсиз қолишига, аҳолининг бу ердан оммавий қўчишига сабаб бўлиши мумкин. Глобал экологик ҳалокат зонасига айланиб бораётган Орол денгизига туташ худудларда эса аҳвол бундан-да мураккаблашади.

Бугунги кунда батамом эскирган, бундан 40 йил муқаддам-совет даврида ишлаб чиқилган, хавфсизлик ва барқарорлик бўйича замонавий талабларга мувофиқ жавоб бермайдиган лойиҳалар ва нормалардан фойдаланишга уринишлар оқибатида пайдо бўладиган техноген фалокатлар ҳам жуда хавфлидир.

10 балли кучли зилзилани ва мураккаб тектоник ўпирилишлар мунтазам содир бўлиб турадиган худудда дунёдаги энг банд тўғонларни барпо этиш кўзда тутилмоқда. Роғун

тўғони қурилиши мўлжалланаётган жой кучли туз қатламидан иборат бўлиб, сувнинг сизиб кириши натижасида тузлар аста-секин эриб кетиши ҳеч гап эмас.

Бундай тўғонларнинг ўпирилиш эҳтимоли ўз йўлидаги барча гидротехник иншоотларни буткул ювиб кетадиган улкан ва кучли сув тўқинлари ҳосил қилиши мумкин. Бу, ўз навбатида, ушбу дарёлар кўйи оқимида жойлашган юзлаб аҳоли пунктларининг тўлиқ ёки қисман сув остида қолишига, юз минглаб одамларнинг қурбон бўлиши ва бошқа сон-саноксиз фожиа оқибатларга олиб келади.

Трансчегаравий дарёларда баланд тўғонлар қурилиши оқибатида юзага келадиган хавф-хатарлар ҳақида гапирганда, халқаро ҳуқуқ нормала-

конвенция, Халқаро сув оқимларидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳақидаги конвенция) талаблари ҳисобга олиниши шарт.

Шубҳасиз, АҚШда ушбу мамлакат парламенти ва ҳукумати ушбу қонун бундай улкан лойиҳаларнинг амалга оширилишига етказадиган барча хавф-хатар ва оқибатларга яна бир бор теран кўз билан қарамоқ керак бўлади.

Бу қарор Марказий Осиёда йирик тўғон ва гидроэнергетика объектларини қуриш лойиҳасини амалга оширишга ўжарлик билан интилаётганларни хушёр тортириши даркор.


Юқорида қайд этилган халқаро молия институтлари Марказий Осиё минтақасида асосий инвесторлар экани инобатга олинмаган бўлса, қабул қилинган ушбу қонун бундай улкан лойиҳаларнинг амалга оширилишига етказадиган барча хавф-хатар ва оқибатларга яна бир бор теран кўз билан қарамоқ керак бўлади, шунингдек, мавжуд энергия тақчиллиги муаммосини ҳал этишнинг муқobil йўлларига эътибор қаратиш бўйича янги имкониятлар яратилиши керак. Зеро, муаммони ҳал этишнинг муқobil йўллари экологик нормаларни бузмайди, техноген ҳалокатли оқибатларни чиқармайди, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан белгиланган халқаро ҳуқуқ нормаларига зид келмайди.

С.ЖИГАРЁВ, «Гидролойиҳа» институти директори.

Давоми. Боши 1-бетда.



Нобель мукофоти тавсия этиш



таклиф қилинди

АҚШнинг собиқ вице-президенти, 2007 йили Нобель мукофоти совриндори бўлган Альберт Гор Халқаро космик станция яратувчиларини Нобель мукофоти тавсия этиш таклифи билан чиқди ва бу таклифни қўллаб-қувватлашларини сўраб, «Роскосмос» космик агентлигига расмий мурожаат этди. Ўз навбатида, «Роскосмос» бу таклифни маъқуллади ва қўллаб-қувватлашларини сўраб, Россия Фанлар академиясига мурожаат қилди. Академия президенти эса бу таклифни қўллаб-қувватлашни билдирди.

«Новости» ахборот агентлиги маълум қилишича, Халқаро космик станция кўпмақсадли космик тадқиқотлар комплексидир. У 15 та мамлакат, жумладан, Россия, АҚШ, Япония, Франция, Германия давлатлари иштирок этаётган ҳамкорликдаги халқаро лойиҳадир.

ХКС қуриш лойиҳаси юзасидан музокаралар 1993 йилдан бошланган. Бу давргача Россия «Салют» ва «Мир» орбита станцияларига эга бўлиб, бу борада 25 йиллик таърибга эга эди. Бу орбита станцияларига эса юқори «Союз» ҳамда «Прогресс» ракеталари эл-

тиб беради. Бундан ташқари, Россия космонавтикаси Америка космонавтикасидан шуниси билан фарқ қилардики, руслар узоқ мuddат парвоз қилиш таърибасига ҳам эга эди — 438 кеча-кундузлик парвоз айнаун рус космонавтилари томонидан амалга оширилган.

1993 йил 15 мартда «Росавиакосмос» (ўша пайтда «Роскосмос» шундай номланган), «Энергия» бош конструкторлик бюроси ва АҚШнинг «NASA» космик агентлиги ўртасида бўлажак лойиҳа юзасидан расмий учрашув бўлиб ўтди. Сўнг ўша йили 2 сентябрда Россия ва Америка ўртасида «Космосда ҳамкорлик тўғрисида қўшма баёнот» имзоланди. 1 ноябрда эса икки давлат ўртасида «Халқаро космик станция иши юзасидан муқаммал режа» ишлаб чиқилди ва имзоланди.

ХКСнинг дастлабки қурилиши 1998 йил 20 ноябрь кунин «Заря» модулини учуришдан бошланган. Бу модул «Бонинг» компанияси билан тузилган ўзаро шартномага кўра, Америка маблағи ҳисобига Россиядаги Хрунчев маркази томонидан яратилган ва Бойкўнгр космодромидан «Протон» юк ракетаи ёрдамида учурилган.

Бугунги кунда ХКС иккита марказ: Россиянинг Подмосковьедаги Королев шаҳарчаси ва Американинг Техас штатидаги Хьюстон маркази томонидан. Иккала марказда ҳам ХКСда иштирок этувчи 15 мамлакатнинг ишчи гуруҳи фаолият олиб боради.

Ой чанги



ўткир ва кескир экан

Кейинги пайтларда Ойни муфассал тадқиқ қилиш натижалари шунини кўрсатдики, Ой чанги инсон саломатлиги учун ўта хавфли бўлиб, ундан химояланганининг деярли иложи йўқ экан.

Ушбу чанг нафақат асбест ёки вулқон чангидек ўта майда зарралардан таркиб топган, балки ойнадек ўткир ва кескирлиги билан ҳам ажралиб туради. Бу ҳам етмагандек, у радиация нурларига тўйинган.

Олимлар коинотни кенроқ ва янада чуқурроқ ўрганиш ишларини жадаллаш-

тириш ва бироз осонлаштириш, шунингдек, Халқаро космик станцияга парвозларни Ердан эмас, балки Ойдан туриб амалга ошириш мақсадида бу режа устидан бош қотиришмоқда эди. Негаки, бу режа харajatлар миқдорини бир оз бўлса-да камайтирарди.

Ой чанги қандай таъсир қилишига америкалик астронавтлар гувоҳ бўлишган. Теннесси университети тадқиқотчиларининг маълумотларига қараганда, дейилади «Мир новостей» газетаси хабарига, 1969 йил июлда Ойга парвоз қилган «Аполлон» космик кемаси экипажи тана терилари, кўз ва нафас йўллари нимадандир қаттиқ таъсирланганини таъкидлашган. Ваҳоланки, астронавтлар Ойда атиги 20 соатгина бўлишган. Демак, Ойда узоқ мuddат қолиш унинг чангидан таъсирланиш даражасини оширади. Бу таъсирларнинг қўлами қай даражада бўлиши эса ҳали фанга маълум эмас.

Музли қитъа водийларида



шамол ҳуқмрон

Антарктида деганда ўта қалин музликлардан иборат, фақат аёз ҳуқм сурган қитъа кўз олдимизда гавдаланади. Бироқ унинг ҳам қурғоқчил водийлари борки, табиати кишини хайратлантиради.

Масалан, минглаб километр майдонда ястаниб ётган Райт, Виктория ва Тейлор водийларида муз у ёқда турсин, ҳатто қорнинг ўзи йўқ. Бу жойлар-


да ёмғир ёғмайди, туман тушмайди, фақат қуруқ ҳаво ҳуқм суради холос.

Кейинги бир неча минг йил мобайнида бу водийлар юзасига бир томчи ҳам ёмғир тушмаган.

Бу ерларда доимо соатига 320 километр тезликда шамол эсиб туради. Аммо тошпа текисликлар қизғиш тусда эканлиги бу худудларда ҳам қандайдир микроорганизмлар яшаётганлигиндан дарак беради.

Водийларда ҳатто «Қонли шаршара» деб аталган шаршарасидек маскан бор. Албатта, унда қон ҳам, сув ҳам йўқ. Ўзига хос иқлими ва тупроғининг қизғиш тусдалиги учун олимлар ушбу қурғоқчил водийлардаги ҳаёт шароитларини Марсдаги қисблайдилар.

Куч — билим ва тафаккурда!



— «Заковат» эфирга узатилаётганига ҳам 13 йил бўлди. Айтинг-чи, телеўйин ташкил этган вақтларингизда қандай максادلари кўзлаган эдингиз ва уларга қай даражада эриша олддингиз?

— Телевидениедаги фаолиятимнинг дастлабки кунлариданок билимга интилиш, ҳозиржавоблик ва зукколикка чорлайдиган кўрсатув тайёрлашни ният қилганим. Шу мавзудаги кўплаб ҳорижий теледастурларни кузатдим, турли адабиётларни ўқиб чиқдим. Ниҳоят 2001 йилга келиб, телеўйин ҳақидаги тасавурларим шаклланди. «Заковат» уч босқичли босиб ўтиши, биринчи босқичда телеўйин ўз томошабинларини топиши ҳамда халқимизнинг севилими кўрсатувларидан бирига айланishi керак эди. Иккинчи босқичда эътибор юқори интеллектуал салоҳиятга эга ёшлар клубига асос солиши ва бу борадаги амалий натижаларга эришишга қаратилди.

Ниҳоят учинчи босқичда биз халқаро интеллектуал ўйин ва мусобақаларда муносиб иштирок этишни режалаштирдик.

Ўтган давр мобайнида муваффақиятларга эришдик, деб ишонч билан айта олам. Телеўйинда берилган саволларни «Дақққа қадр» номи билан китоб ҳолида нашрдан чиқардик. www.zakovat.uz веб-сайтида ҳам ишлаб турибди.

Айни вақтда республика бўйича заковатчи билимдонларимиз 10000 нафарга яқин. Пойтахтимизда эса 50 дан ортик билимдон гуруҳларимиз бор. Улар орасида 10 жамоа энг кучли ва юқори тажрибага эга ҳисобланади. Ҳафтанинг ҳар шанбасида жамоалар билан тайёргарлик машғулотларини олиб борамиз. Телеўйинда иштирок этиш истагини билдираётган ёшларимиз сафи тобора ортки бораётганини инобатга олиб, бошқа телеканалларда ҳам кўрсатувлар таш-

Заковат майдони

«Заковат» интеллектуал телеўйини муаллифи ва бошловчиси Абдурасул Абдуллаев билан сўхбат

кил қилганмиз. «Интеллектуал аукцион», «Билимдон» телеўйинлари «Заковат»нинг ироқлари-дир. Шу ўринда телеўйинимизни тасвирга олишда ва машғулотларимизни юқори савияда ўтказишимизда яқиндан кўмак бериб келаётгани учун Ўзбекистон Миллий университети раҳбариятига миннатдорлик билдираман.

— Телеўйинда иштирок этиш истаги билан мурожаат қилаётган ёшлар сафи ортки бораётгани, албатта, қувонарли ҳол. Билимдон ёшларга қандай талаблар қўйилади?

— Билимдонларимиз билан аввал бошиданок яқиндан танишиб олам. Уларнинг орзу-истаклари, келгусидаги режалари билан қизиқаман. Ҳар бирининг феъл-атвори ва интилишини ҳисобга олиб, машғулотлар белгиланади. Имкон қадар улардаги истеъдодни юзга чиқаришга интиламиз. Уларга галабага эришишнинг энг муҳим омилларидан бири бу — зийраклик, тез фикрлаш эканлигини ўқтиришга ҳаракат қиламиз.

— «Заковат»да иштирок этиб келаётган ёшларнинг ҳаётда эришаётган ютуқларида кўрсатувнинг ўрни ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Телеўйинимиз иштирокчиларнинг билим даражаси ошишида кўрсатувнинг аҳамияти жуда катта. Бунга бизга савол йўллаётган томошабинларимиз мактубларидан ҳам билиб ола биламиз. Базан билимдонларимиз турли ташкилот мутасаддилари эътиборига айлан кўрсатувимиз туйғайли тушиб, ишга таклиф олганини

Билимдонларимиз турли ташкилот мутасаддилари эътиборига айлан кўрсатувимиз туйғайли тушиб, ишга таклиф олганини эшитиб қолам. Шундай вақтларда кўнглим тоғдек кўтарилади. Билимдонимизнинг ҳаётида «Заковат»нинг ҳам ўз ўрни борлигини фахрланаман.

— **Келгуси режаларингиз?**

— Ўтган давр мобайнида иштирокчилар учун савияли, қизиқарли саволлар тузиш, айниқса, билимдонларимиз билан амалий машғулотлар ўтказиш борасида тажриба тўпладик. Келгусида халқаро интеллектуал ўйинларда қатнашиб, юқори натижаларни кўлга киритиш мақсадимиз бор.

— **Борис БУРДА, Халқаро «Бриллиант бойўли» мукофоти соҳиб (Украина):**

— Ўзбекистон билимдонларининг интеллектуал ўйин вақтидаги жиҳвати, завқи, саволларга жавоб топишга бўлган иштиқоқ шунчалар баландки, бунга фақат тан берасан киши. «Заковат» клу-

бида бўлганман. Мамлакатингиз ёшлари билан ўтказган машғулотларимда билимдонларнинг саволларга рус ва инглиз тилларида жавоб беришганини кўриб, ҳайратландим.

Шарофиддин ЭШМАТОВ, Паркент туманидаги «Истикбол» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, ЎзХДП фаоли:

— «Заковат» телеўйинини ҳар сафар оиламиз билан томоша қиламиз. Берилган саволларга биз ҳам ўзаро баҳслашиб, жавоб излаймиз. Тўғри тоғанимизда эса қувончимизнинг чеки бўлмайди. Сўнгги вақтларда телеомошабинлар томонидан билимдонларга янада қизиқарли саволлар берилляпти. Ўтган йиллар давомида «Заковат» ҳар томонлама камолга етди. Ўшларимизни зийраклик, ҳозиржавобликка чорлайдиган, изланишга, интилишга ундайдиган «Заковат» ҳар бир кўрсатувини интизорлик билан кутамиз.

Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабаси:

— «Заковат» телеўйинини мунтазам томоша қилиб бораман. Дарсдан бўш вақтларимда эса «Заковат» клуби машғулотларига қатнашаман. Телеўйинда иштирок этиш орзусида ўз устимда ишлаяман. Ушбу телеўйин ёшларнинг дунёқарашини кенгайтиришга қаратилгани билан ҳам кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Абдусалим МАҲМУДОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Спорт

●●● Бангкокда бокс бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган VI Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси муваффақиятли иштирок этди.

Ёш БОКСЧИЛАРИМИЗ

Ҳамюртларимиз иккита олтин, тўртта кумуш ва иккита бронза медали билан тақдирланиб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.

Ҳамюртимиз Бектемир Мелиқозиев (69 кг) барча учрашуларда галаба қозонди. У фаластинлик Мотасем Бебух, қозғистонлик Илья Очкин ва тожикистонлик Шаҳбоз Нейматуллаев устидан ишончли галаба қозониб, терма жамоамиз ҳисобида илк олтин медални тақдим этди.

Мутахассисларимиз яна бир боксчимиз Козимбек Мардонов (75 кг)нинг келажаги порлоқ эканлигини эътироф этишмоқда. У ўтган йили ўсмирлар ўртасида ўтказилган қитъа биринчилигини юртимизга олтин медал билан қайтанди. Козимбек Осиё чемпионатида ҳам қитъада тенгсиз эканлигини намойиш қилди. Чинг Фенг Лин (Хитой-Тайпейи), Бекжан Бақиров (Қозғистон), Юн Жу-Хо (Жанубий Корея) устидан катта устунлик билан зафар кучди ва финалга йўлланма олди. Халқ қилувчи баҳсда ҳамюртимиз хиндистонлик Нил Камол Сингха қарши рингга чиқди. Козимбек рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмади ва мусобақанинг олтин медали билан тақдирланди.

Шунингдек, қитъа чемпионатида ўз вази тоифаларида Абдулхай Шораҳматов (52 кг), Махмуд Фоипов (64 кг), Азизбек Шукүров (81 кг), Асилбек Солиев (91 кг) кумуш, Фазлиддин Мелибоев (60 кг) ва Шоҳрух Эрқинов (+91 кг) бронза медалини кўлга киритди.

— Ёшларимизнинг ушбу ютуғи юртимизда болалар спортини ривожлантиришга қаратилган эътибор самараси, деб биланам, — дейди бокс бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бош мураббийи Марат Қурбонов. — Айниқса, ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги нуфузли мусобақаларда голиб бўлаётган спортчиларимиз сафи тобора кенгайиб бораётгани мамлакатимизда муносиб издошлар тайёрлаш ишлари тўғри йўлга қўйилганидан далолатдир.

Мусобақада иштирок этган жами ўн спортчимиздан саккиз нафарининг голиб ва совриндорлар қаторидан жой олганилиги ҳам фикримиз тасдиғидир.

Эркин ХОЛБОВО, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

OB-ҲАВО	01-02 — 02. 2014
Юртимиз бўйлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	
-18 / +23	-13 / +18
Бухоро ва Навоий вилоятлари	
-25 / +30	-15 / +20
Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари	
-10 / +15	-5 / +10
Қашқадарь ҳамда Сурхондарё вилоятлари	
+3 / +8	-3 / +2
Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари	
0 / -5	0 / -5
Тошкент шаҳри	
-8 / -10	-8 / -10

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорт агентлиги Ҳайъати Ўзбекистон Республикаси автомобиль транспорти соҳаси фахрийси **Аҳмад Азимович АЗИМОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

«Ағробанк» ошқ акциядорлик тижорат банки боксқаруви банк тизими фахрийси Шербой Ёқубовга рафиқаси

ТУПСУНОЙ аяннинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

2014 йил — Соғлом бола йили

Қишлоқ врачлик пункти

Шўрчи туманидаги «Шалдирак» маҳалласида фойдаланишга топширилди

Маҳалла туман марказидан 8 километр олдига жойлашган бўлиб, айни пайтда бу ерда 4 минг нафардан ортик аҳоли истикомат қилади. Яқинда лойиҳа қиймати 303 миллион 600 минг сўм бўлган янги қишлоқ врачлик пунктнинг фойдаланишга топширилиши қишлоқ аҳолиси учун яна бир қулайлик бўлди.

— Мамлакатимизда халқ саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни тарбиялаш устувор вазифа этиб белгиланган, — дейди қишлоқ врачлик пункти шифокори Сайфиддин Тўраев. — Айниқса, давлатимиз томонидан аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни воёга етказиш борасида жойларда олиб борилаётган ишларнинг амалий самаралари кўз ўнгимизда намоеён бўлмоқда. 42 миллион сўмлик тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган ушбу замонавий тиббиёт муассасасининг иш бошлаши ҳам фикримизнинг исботидир.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

«Tashkent Realtor Service» МЧЖ

Зангиота тумани, «Зангиота» ҚФЙ худудидаги «ZANGIOTA TOSHXODJAEV SOLIXO'JA» фермер хўжалигига тегишли боғ, узумзор ва теракзор бўйича 2013 йил 10 декабрда ўтказилган очик аукцион савдоси натижаси сотивчининг 2014 йил 29 январдаги 02-сонли хатига асосан бекор қилинганлигини маълум қилади. Лицензия RR-№0008.

РЕКЛАМА **КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ 12-СОН ҚУРИЛАЁТГАН КОРХОНАЛАР БИРЛАШГАН ДИРЕКЦИЯСИ

2014 йилда қурилуши, реконструкция қилиниши режалаштирилган кўйидаги объектларни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Бюджетчи бошлангич нархи ҚҚСсиз	Бюджетчи бошлангич нархи ҚҚС билан	Қурилиш мuddати
ЛОТ 7-2:				
Лот-1	Иштихон тумани, А.Юлдошев номи хўжалиқдаги «Сайдназар» канали қурилиши	1 373 536 821 сўм	1 648 244 185 сўм	9 ой
Лот-2	Жомбой туманидаги «Янги» канални реконструкция қилиш	209 037 082 сўм	250 844 498 сўм	7 ой
ЛОТ 8-3:				
Лот-1	Қўшработ туманидаги «Оқ-Теп» сойда канал ва сугориш тармоғи сув иншооти билан қурилиши	944 904 887 сўм	1 133 885 864 сўм	8 ой
Лот-2	Пастдаргом туманидаги «Алпон» ва «Алпин» насос станцияларига боғланган «Мевали», «Илим» ММТП ерларини сув билан таъминлаш учун «Ота беэори» канали қурилиши	859 410 795 сўм	1 031 292 954 сўм	9 ой
Лот-3	Пастдаргом туманидаги «Иски Анкор» (ПК15+00) каналда сув тўсиш иншооти қурилиши	516 429 493 сўм	619 715 391 сўм	9 ой

Қурилиш ишлари бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг маркази.

Бюджетчи: 12-сон қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси.

Манзили: Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 62-уй, телефон: (8366) 234-37-13.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида»ги қарорига асосан Лот 7-2 (Лот-2) объекти бўйича пудрат ташкилотини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

Талабдор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар кўйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камиди 20 фоизи миқдордаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки қўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматларни) бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2014 йилда капитал таъмирланиши режалаштирилган кўйидаги объектни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Бюджетчи бошлангич нархи ҚҚСсиз	Бюджетчи бошлангич нархи ҚҚС билан	Қурилиш мuddати
1	Самарқанд шаҳридаги республика маънавият тарғибот маркази Самарқанд вилоят бўлими биносини капитал таъмирлаш	349 006 583 сўм	418 807 900 сўм	5 ой

Қурилиш ишлари Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг маркази.

Бюджетчи: Самарқанд вилояти ҳокимлиги Инжиниринг компанияси.

Манзили: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-уй, телефон: (8366) 231-10-93.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида»ги қарорига асосан пудрат ташкилотини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

Талабдор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар кўйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камиди 20 фоизи миқдордаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки қўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматларни) бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қўйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўйилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматларни) импортга етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашилари билан баҳолашда қўйилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига қўйидаги манзил бўйича мурожаат қилиши мумкин: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, корпус — 2Д, 403-хона. тел. 231-13-51, факс. 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 80 000 (саксон минг) сўм.

Тақлифлар (оферталарни) савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охири мuddати — оферталар очилиш кuni ва соатигача.

Тақлифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб камиди 30 кундан кейин қўйидаги манзилда — Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги компанияси биносидан соат 10-00 да ўтказилади.

MUASSIS:
Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TANHIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farruh HAMROYEV
Ulug'bek VAYFOYEV	Muslihiddin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-54-55; Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Sport va vatanparvarlik — 233-44-55; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Ko'chibiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.
Korxonada manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
Г — 260
22076
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 21.05
Topshirilgan vaqti — 23.00
Sotuvda erkin narxda

Navbatchiye:
Alisher RO'ZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7433
1 2 3 4 5